

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA
KOMMUNIKACIYALARINI RIVOJLANTIRIШ VAZIRLIGINING
QARORI

143 «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJning почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 24 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2394-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 372-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ–379-сон Қонуни)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2012 йил 15 августдаги 58, 10-8/2927-сонли қарори (рўйхат рақами 2394, 2012 йил 28 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 470-модда) билан тасдиқланган «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJning почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 16 март,
23-сон

**Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 16 март,
99-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш
вазирлигининг 2015 йил 16 мартдаги
23, 99-мх-сон қарорига
ИЛОВА

**«O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJнинг почта алоқасининг
минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси
объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа
тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимада «Иккинчи жаҳон уруши» деган сўзлар «1941 — 1945 йиллардаги уруш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. Ўзбек тилидаги матннинг 38-банди «а» кичик бандидаги «низомнинг» деган сўз «Йўриқноманинг» деган сўз билан алмаштирилсин.
3. Мазкур ўзгартиришлар «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJ ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

**«O‘ZBEKISTON POCHTASI»
AJ Бош директори**

Р. ҚОСИМОВ

2015 йил 16 март

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2015 йил 16 март